

Ўзбекларнинг келиб чикиши хакида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар кўчманчи ўзбекларнинг келиб чикишини Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312—13,40) номи билан боглайдилар. Н. А. Аристовнинг фикрича, «Ўзбекхонгача ўзбек номи тарихда учрамайди, шунинг учун хам бу ном подшонинг номидан бошланган, дейиш мумкин». А. Ю. Якубовский «ўзбек» иборасининг пайдо бўлишини «ўзбеклар» (кўплиги- «ўзбеки йун») сўзи билан боглайди, улар ўз номларини шу Олтин Ўрда хони Ўзбек номидан олганлар, деган фикрни билдиради. И. П. Иванов хам шундай нуктаи назарни тўгри, деб билади. Чет эллик тарихчилардан М. А. Чапличка ва Хильда Хукхэм хам ўзбекларнинг келиб чикишини Ўзбекхон номи билан боглайдилар. (Султон Жалолиддин Мангуберди даврида (1220—31) Озарбойжон вилояти подшоси Отабек Ўзбек деб аталарди) Ўз пайтида бундай фикрларга В. В. Григорьев карши чиккан эди. А. А. Семёнов хам бу фикрнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган. Унинг айтишича, «ўзбек» ибораси Ок Ўрдада лайдо бўлган ва Эрон хамда Ўрта Осиё тарихчилари XIV—XV асрларда Ок Ўрдадаги турк-мўгул кабилаларининг хаммасини шундай аташган. Ўзбекхон эса Кўк Ўрда, яъни Олтин Ўрданинг подшоси бўлиб, кейинчалик ўзбеклар деб аталган кабилалар унга бўйсунмаганлар! Биз А. А. Семёнов хак бўлса керак деб ўйлаймиз.
Х. Вамбери, Х. Ховорс ва М. П. Пеллионинг фикрича, Дашти Кипчокнинг турк-мўгул кабилалари бу номни ўзларининг эркинликлари сабабли олганлар. Х. Вамберида куйидагича кизик маълумот мавжуд: «Ўзбек» сўзининг туб маъноси — «ўзи ўзига бек, хўжайин, мустакил». Ажабо, бу сўз кадимги мажорларда (венгрларда) хам мартаба, унвон сифатида учрайди ва шу маънода 1150 йилга мансуб хужжатларда кайд этилган». «Ўзбек» сўзи XIII—XIV асрларда, Жувайний ва Рашидиддинларнинг асарларидан хам маълум эди. Бу сўз Элхон Обока (1265—1282) замонида Эронда яшаган Пури Бахонинг (Тожиддин ибн Бахоуддин) достонида хам учрайди. Ушбу асарнинг Пури Бахонинг ўгли Зайниддин Казвиний томонидан ёзилган давомида «ўзбеки йун», «мамлакати ўзбек» ва «улуси ўзбак» сўзларини учратамиз. Бу ерда сўз Ок Ўрда кўчманчилари эмас, Олтин Ўрда хони Ўзбекхон ва унинг давлати хакидадир.
Шундан кейин, то XIV асрнинг 60-йилларигача «ўзбек» сўзи манбаъларда учрамайди. XIV асрда яшаб ижод этган араб муаллифлари — Насириддин ибн Фурат (1361 — 1404), ал-Асадий (1377—1447), ал-Айнийлар (1361 — 1452) Ўзбекхон ва ундан кейин Олтин Ўрдада хукмронлик килган бошка хонларни «шимол даштларининг подшохлари», «дашт султонлари», «дашт мамлакатларининг подшохлари» ва «кипчокларнинг подшохлари» деб атаганлар. Бу ерда шуни хам айтиб ўтиш керакки, бошка бир араб тарихчиси ал-Калкашоний (1418 йилда вафот этган) Тўхтамишни
«Ўзбеклар подшохи» дейди. Низомиддин Шомий (XIV - XV аср) ўз рисоласида Тўхтамиш

ўглоннинг Дашти Кипчокдан Самаркандга келгани тасвирланган ўринда бундай деб ёзади: «У (Темур) Тўхтамишга Ўтрор ва Саврон вилоятларини иноят килди ва уни ўша ерларга юборди. Бир канча вакт ўтгандан кейин ўзбекий подшох Ўрусхоннинг ўгли Кутлуг Буго кўшин билан келиб, Тўхтамиш ўглон билан жанг килди».
Маълумки, Ок Ўрданинг хони бўлган Тўхтамиш XIV асрнинг 30-йиллари охирида Темурнинг фаол ёрдами билан Мовароуннахрнинг шимолий томонларини тасарруф килиб турарди. 1390 йили Темур унга карши кўшин сурди. Темур кўшини Сариг ўзан деган ерга етиб келганларида «нўйонлар ва амирлар йигилишиб, «агар биз аввал Анко Тўра устига юриш килиб, у газандани янчиб ташласак, сўнгра ўзбеклар диёрига («диёри ўзбек») ўтсак маъкулрок бўларди», деб (Темурга) арз килдилар». Темур ушбу режага рози бўлиб, Бўрибоши оркали Анко Тўрага карши юриш килди. Абдураззок Самаркандий Темурнинг Анко Тўрага карши юришини батафсил баён килади. Жумладан, асарда бундай дейилади: «Хижрий 792 йилнинг (мелодий 1390) ўзида Темур Мўгулистонга караб юрди (У вактда Мўгулистонга Кашгар ва Андижон карар эди) ва йўлда учраган асирлар унга Анко Тўранинг Мўгулистондан кочиб кетиб, Ўзбек сахроларида (дар сахрои ўзбек) яширинганлигини айтдилар. Темур аскарлари кочокларни уч кунгача Ўзбек даштида бехуда излаб юрдилар ва нихоят, тўртинчи куни коровуллар (разведка) ёгийнинг шу ерга якин жойда эканлиги хабарини етказишди. Ўтказилган киска маслахат кенгашдан сўнг Темур кўшинларини уч кисмга бўлиб, Анко Тўра ва унинг кўшинини излаб топишга киришди. Жамолиддин Хамид ва шахзода Умар шайхнинг аскарлари ёвни ўраб олишга киришди. Темур бўлса ўртада колиб, душман устига юрдилар. Умаршайх аскарлари Шербат йўлидан бориб, Кора-Хўжарни кесиб ўтдиларда, мўгулларнинг асосий чекиниш йўлларини тўсиб кўйдилар. Киёс мавзеида Анко Тўрани кувиб етиб, маглубиятга учратди. (Тўра чекинди) Умаршайхнинг ўглонлари Анко Тўрани кувиб, Олакўлгача бордилар».
Манбаълар Анко Тўранинг Тўхтамиш билан алокаси тўгрисида бирон-бир хабар бермайдилар. Аммо, мўгуллар кудратли Темурга карши курашиш ниятида Тўхтамиш билан иттифок бўлишга интилганлар ва 1388 йили хакикатан хам мўгул хокими Камариддин (1362—63—1388—89 йил) Тўхтамиш билан иттифок тузишга эришиб, Умаршайхни Жулакадаги жангда енгишга муваффак бўлган.
Юкорида келтирилган далиллар, биринчидан, Дашти Кипчокнинг чўл кисми Ўзбек дашти, деб аталганидан, иккинчидан эса, бу пайтга келиб, кўчманчи ўзбеклар Сирдарёнинг шимол томбнидаги ерларнинг анчагина кисмида (хозирги Козогистоннинг жанубида) хукмрон эканликларидан далолат берадилар. Тўхтамиш кўшинларининг аксарияти кўчманчи ўзбеклар эдилар.
Хондамир хам 1388—89 йиллар вокеалари хакида сўз юритганида Тўхтамиш кўшинларини ўзбек кўшинлари (сипохи ўзбак) деб атайди. 1391 йили Кундузчадаги жангда катнашган кўшинларни хам Хондамир ўзбек кўшинлари дейди. Муъиниддин Натанзаний, Едигей ва Кутлуг Темурлар бошчилигида 1399 йили Тўхтамишга карши чиккан аскарларни хам ўзбеклар дейди. Едигей, унинг укаси Исобек ва Олтин Ўрданинг кўзга кўринган бошка амирлари Шодибек, Фўлодхон, Улуг Мухаммад (ёки Мухаммадхон) юкоридаги тарихнавислар томонидан Дашти Кипчок ва Ўзбек вилоятларининг (подшохи Дашти Кипчок ва вилояти Ўзбак) хокимлари деб, атаганлар. Бу масала бўйича Мирзо Улугбекнинг (1409—1449) «Тарихи арабъ улус» («Тўрт улус тарихи») рисоласи диккатга сазовордир. Бу асардаги маълумотларни кискача баён этсак, куйидагича: Ўзбекхон Ўзбек улусига (дар улуси ўзбек) подшох бўлди. Сўнгра, 720 х. йилда (1320 мелодий) Саид

отанинг саъй-харакатлари билан Дашти Кипчок ахолиси мусулмон динини кабул килдилар. Исломни кабул килганларни ўзбеклар, кабул килмаганларни эса (калмоклар) деб атай бошладилар.
Келтирилган маълумотлар асосида хулоса килиб айтиш мумкинки, «ўзбек» ибораси, Дашти Кипчокдаги турк-мўгул ахолисининг умумлашган номи сифатида XV асрдагина пайдо бўлди.
Аммо, ўзбеклар Дашти Кипчокда факат XIV аср охирлари — XV аср бошларидагина пайдо бўлганлар, деб ўйлаш хато бўлур эди. Хозирги ўзбеклар, козоклар, коракалпоклар ва бошка халкларнинг аждодлари шу халклар хозир яшаётган ерларда кадим замонларда хам яшаганлар. Лекин ўзбеклар, козоклар, коракалпоклар деб аталмаганлар. Тарихий, адабий манбаларда Дашти Кипчокнинг шаркий кисмида кадим замонлардан бери турли турк кабилалари яшаганлари хакида анчагина маълумотлар мавжуд. Бу ерларни XIII асрда мўгуллар забт этган бўлса, Дашти Кипчокнинг турк кабилалари орасида тез орада сингиб кетганлар ва хатто ўз миллатларини йўкотганлар. Чингизхон кўшинларининг асосий кисмини туркий кабилалар ташкил этганлигини хам унутмаслик зарур.
Масъуд ибн Усмон Кўхистоний шаходатлик беришича, Ок Ўрда, яъни кўчманчи ўзбеклар таркибига куйидаги кабилалар кирган: буркут, киёт, кўшчи, кўнгирот, ушун (усун), ўтачи, найман, жог, чимбой, корлик, кенагас, дўрмон, курловут, туб, мангит, нукуз, тангу, уйгур, хитой, тоймас, эчки, туман, минг ва бошкалар. Биноийнинг «Шайбонийнома» асарида, XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхонни кўллаб турувчи кабилалар орасида яна шодбогли ва шункорли кабилалари хам эслаб ўтилади. Махмуд ибн Валининг сўзларига караганда, Абулхайрхоннинг кўшинларида уйгур, мажор ва килларнинг жанговар гурухлари бўлган. Бу кабилаларнинг келиб чикишлари турлича. Масалан, кўнгирот, нукуз ва киётлар — мўгулга, тангулар бўлса — Тибетга тааллукли.
Хитойлар хусусига келсак, уларнинг аждодлари — X—XI асрларда Шимоли-Шаркий Хитойда яшаб хукмронлик килган кидонлардир.
Рўзбехон Исфахоний XVI аср бошларида ўзбеклар уч тоифа («халк»), яъни кабилалар бирлашмасига тааллукли дейди,— булар Шайбоний улусига карашли барча кабилалар, козоклар ва нихоят, мангитлардир. Маълумки, Дашти Кипчокдаги кўчманчи ўзбеклар иттифокини ташкил этган кўп кабиладар замон ўтиши билан парчаланиб кетиб, унинг кисмлари козоклар, коракалпоклар, бошкирдлар ва бошкаларнинг таркибига кирганлар, аммо ўзларининг кабила номларини саклаб колганлар.»
XV асрнинг бошларида юкорида айтиб ўтилган кабилаларнинг бир кисми (ўзбеклар — «ўзбакон») Шайбонийхон атрофида бирлашиб, Ўрта Осиёда хозирги Ўзбекистон худудида тургун бўлиб колдилар. Шу пайтдан бошлаб «ўзбек» ибораси этник маъно касб этди ва бу худуддаги туркий ахоли «ўзбек» номини кабул килди. Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз керакки, кўчманчилар, аввал кайси кабилага мансуб бўлсалар ўша номни саклаб колдилар ва то XX асргача аждодий-кабилавий бўлинишларни саклаб келдилар. Аммо, ўзбек халкининг келиб чикиши XVI асрга тўгри келади деган гап тўгри эмас. Бу ерда сўз, факат «ўзбек» иборасининг этноним сифатида пайдо бўлган вакти хакида бормокда. Маълумки, кадимдан Ўрта Осиёда туркий тилда сўзлашувчи халклар яшаганлар, Дашти Кипчокнинг кўчманчи ўзбеклари Мовароуннахрнинг ўтрок туркий ахолиси орасида сингиб кетиб, «охирги кўшилганлар» сифатида ўз номларини уларга берганлар...

Бўривой Ахмедов